

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

“Банкларда бухгалтерия ҳисоби” фанидан

# КУРС ИШИ

**Мавзу: Банкларда солиқлар ҳисоби**

Бажарди: БИ-115 гурӯҳ талабаси  
Сайфуллаев Давлат

Илмий раҳбар: Пашаходжаева Д.Ж.

Самарқанд 2018

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
<b>I БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА БАНКЛАР</b>	
<b>ФАОЛИЯТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ</b>	
1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари.....	5
1.2. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг хусусиятлари.....	13
<b>II БОБ. БАНКЛАРНИНГ СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИНГ АҚС</b>	
<b>ЭТТИРИЛИШИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>	
2.1. Банкларнинг солиқлари ҳисобининг ҳисобварақларда акс эттирилиши..	19
2.2. Банкларда солиқлар ҳисобини такомиллаштириш.....	27
Хулоса.....	32
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	33

## Кириш

Жамият ривожланиши тарихида хали бирорта давлат соликларсиз яшаган эмас. Бозор иктисадиёти шароитида хам давлат узининг ички ва ташки вазифаларини, хар хил ижтимоий, иктисадий ва сиёсий чоратадбирларини амалга ошириш учун зарур булган маблагларнинг асосий кисмини соликлар оркали туплайди. Жумладан, соликлар давлат, вилоят, туман бюджетларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастури учун молиявий негиз яратади. Солик толовчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошкаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга булган интилишини рагбатлантиради, нарх-наво белгилашга таъсир курсатади, ахолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради. Турли имтиёзлар ёрдамида ахолининг кам таъминланган катламларини ижтимоий химоя килишни ташкил этишга ёрдам беради ва хоказо. Бу тугрисида Узбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов шундай таъкидлайди: - «Узбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқача, яъни бизларда жуда катта бойлар хам булмайди ва мутлако кашшоклар хам булмайди, яъни солик сиёсати хисобидан ижтимоий начор ахоли катламларини куллаб-куватлашга эътиборни бирор дакика хам сусайтирмаймиз».

Республикамида солик доктринаси борасида бир нечта амалий тадбирлар олиб борилмокда. Жумладан, молия сиёсатининг марказий бугинида солик толовчилардан, шу жумладан тижорат банкларидан хам, боскичма-боскич солик юкини пасайтириш, солик имтиёзи оркали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, макроиктисодий курсаткичларни баркарорлаштириш ва мувозанатлаштириш кабилардир. Дарҳакикат, даромад соликларига оид солик ставкаларидағи боскичма-боскич пасайиш тенденциясининг солик толовчилар учун солик юкини камайтириш борасида мухим ишлардан бири деб каралиши мумкун. Лекин шунга карамасдан хозир

республикамиз банк даромадларини соликка тортиш буйича турли муаммолар хам мавжуд. Амалда кулланиб келинаётган тижорат банкларининг даромадидан олинадиган солик механизми жорий этилган киска вакт утган булса-да бу солик механизмида бир неча камчиликлар мавжуд эканлиги яккол куриниб колди. Бу камчиликларни тахлил килиш ва хал этиш буйича айрим йуналишлардаги еаклифлар ишлаб чикиш ушбу соҳадаги тадқикотнинг муҳимлигини англатади.

**Тадқикотнинг асосий максади** республикамизда фаолият курсатаётган тижорат банкларининг солик муносабатларини тахлил килиш ва солиқлар ҳисобини унинг мохиятини очиш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш тугрисида фикрлар билдиришдан иборат.

Бу максадга эришиш учун илмий изланишнинг олдига куйидаги вазифалар куйилди:

- Солиқларнинг мохияти ва унга хос булган характерли белгиларини аниклаш;
- тижорат банклари фойдасининг соликка тортишнинг объектив зарурлигини асослаш;
- банкларда солик ҳисобини олиб бориш бўйича мавжуд камчиликларни аниклаш;
- тижорат банклари солик ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йуналишларини белгилаш.

**Илмий тадқикотнинг обьектини** республикамиз тижорат банкларининг солик суммасини хисоблаш ва уни бюджетга тулаш билан боғлик булган жараёнлар такил киласи.

**Илмий тадқикотнинг предмети** сифатида республикамиз тижорат банкларининг солик муносабатлари олинди.

# **І БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА БАНКЛАР**

## **ФАОЛИЯТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ**

### **1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари**

Солиқларнинг амал қилиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи индивидларнинг ҳаммаси ҳам реал секторда (ишлаб чиқариш соҳасида) фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки шуғулланиш иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошк.) ва рентабел соҳага ажрагалиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурати солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари билан ифодалаш мумкин.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Буларга республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўrsatiш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигига, молия тизимида) ташкил қилиш киради. Шу ерда давлат кучли ижтимоий - сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, нафақахўрлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни кўпроқ маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб чекланган товарлар баҳосидаги фарқни

бюджет ҳисобидан қоплайди ва уларга бошқа харажатларни давлат ҳисобидан амалга оширади, маҳаллаларда кам таъминланганларга моддий ёрдамлар ташкил этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон давлати жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга, техника ва ўқ-дориларга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбур. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни ҳам объектив зарур қилиб қўяди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар ҳам амал қиласди. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат. Ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларнинг иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (хуқуқий ва жисмоний шахслар) билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат қўрсатганда, ишлар бажарган ёки бозорларда олди-сотди қилиш жараёнида пул муносабатларини ҳосил қиласди. Лекин улар солиқ бўла олмайди, солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан давлат бюджетига мажбурий тартибда тўланиши ёки ундирилиши лозим. Давлат учун бюджетнинг асосий манбай ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар ҳисобига давлат молиявий ресурслари ташкил топади. Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш самарали давлат иқтисодий сиёсатини олиб боришга, хусусан, молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборан олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (шотланд файласуфи ва иқтисодчisi, 1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) ilk бор солиқ тамоийилларини асослаб берди, солиқларнинг аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Н.И. Тургенев ўзининг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли китобида (1818 йил) шуни таъкидлайдики, «Билимли бўлишнинг муваффақиятлари уларнинг халқлар урф одатларига фойдали таъсири даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди. ....Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиш усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида; йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, бу билимлилик ва маърифатни англатадиган икки энг асосий хусусиятдир» бу сўзлардан яна бир бор амин бўлиш мумкинки, солиқлар қадими молиявий

институтлар ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Солиқлар давлат органларини таъминлаш ва улар олдидаги вазифаларнинг бажарилишини моддий таъминлаш манбаи сифатида хизмат қилган. Давлатнинг ривожланиши билан унинг вазифа ва функциялари янгича хусусиятларга эга бўлди. Лекин солиқларнинг давлатни ва унинг органларини молиялаштиришда манба сифатидаги роли ўзгармай қолди.

Шу ўринда солиқларга турли иқтисодчилар томонидан берилган таърифларни келтириб ўтиш ўринлидир. «Солиқлар, - деб ёзади Д. Рикардо, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер ресурси ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади».<sup>1</sup> Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д. Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А. Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшган.

Солиқлар бўйича яна бир таъриф С.Г. Пепеляев томонидан берилган: «Солик - оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, якка тарзда ҳолисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характеристига эга бўлмаган қонунда белгиланган ягона шаклидир».<sup>2</sup>

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ўрганишга бағишлиланган қатор илмий ишлар чоп этилган. Масалан, «Сиёсий иқтисод» изоҳли луғатида солиқлар «... корхона, ташкилот ва аҳолини, мамлакат молиявий ресурсларини ташкил этишдаги иштирокини характеристовчи мажбурий тўловлар тизими» деб изоҳланади.

Професор Д.Г. Черникнинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган

<sup>1</sup> Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения./ т. 1. /Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, с.380.

<sup>2</sup> Пепеляев С.Г. и др. Основы налогового права. –М.: Финанси и статистика, 2000

ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».<sup>3</sup>

Профессор Б.Г. Болдырев бошчилигига ёзилган «Капитализм молияси» ўқув қўлланмасида солиқларга қуидаги таъриф берилган: «Солиқлар — давлат томонидан ундириб олинадиган, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мажбурий тўловлари»<sup>4</sup> ҳақиқатан ҳам юқорида келтирилган таърифлар энг содда ва кенг омма учун қулай ва тушунарли бўлиши мумкин. Лекин бу таърифлар ўзида солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини тўлалигича акс эттира олмайди. Бундан ташқари, ушбу тўловлар нима мақсадда ундириб олиниши ҳамда қачон ундириб олиниши тўғрисида етарли маълумотлар бера олмайди.

Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим қурол ҳисобланади. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар обьекти бўлиб нима ҳисобланади? деган саволларга жавоб бера олмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, проф. О. Олимжоновнинг фикрига кўра, солиқлар қуидаги таърифланса, солиқларнинг моҳияти кенгроқ ёритилади ва мақсадга мувофиқ бўлади: «Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир».<sup>5</sup>

Бизнингча солиқларга берилган мана шу таъриф энг мақбул таъриф бўлиб, солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини,

<sup>3</sup> Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. –М.: Финансы, 1992. №3 с.19.

<sup>4</sup> Болдырев Б.Г. Финансы капитализма. - М.: Финансы, 1987. 21.

<sup>5</sup> Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. //Хаёт ва иқтисод. 1992.

солиқларнинг харакат жараёнини назарий жиҳатдан чуқурроқ ёритиб, солиқлар ҳақида аникроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Солиқларга олимлар томонидан берилган бир қанча таърифларни ўрганиб чиқдик. Шу ўринда бу таърифлар маълум маънода бир-бирини такрорлаб, тўлдириб ва бойитиб келмоқда. Юқоридаги таърифлар солиқларни тўлиқ ва аниқ ёритиш, уларнинг барча жиҳатларини батафсил қамраб олмайди. Шунинг учун солиқ тоифасини ҳар томонлама, кенгроқ ва батафсилроқ, унинг моҳияти ва аҳамиятини, иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўринини, солиқларни назарий жиҳатларини аникроқ ёрита оладиган таърифни келтириш муаммоси мавжуддир.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар, давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади.

Биз солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ тушунишимиз учун, даставвал солиқ сўзининг тарихан мавжуд бўлган иқтисодий маъносини тўғри тушуниб таҳлил қилиб олишимиз лозим.

Солиқ тушунчаси - иқтисодий муносабатларда асосий ўринни эгаллайди. Унинг характерли томони шундаки - у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслардан уларга мулкчилик, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган пул маблағларини давлат ва муниципал тузилмаларни молиявий таъминлаш мақсадида бегоналаштириш шаклида ундириладиган мажбурий, якка тартибдаги қайтариб берилмайдиган тўловларни акс эттиради, яъни солиқ - давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан мажбурий қонуний тартибда белгиланган ставкалар бўйича, солиқ тўловчининг бундан бирон бир муайян манфаат кўриши билан бевосита боғланмаган тарзда ундириладиган пул йиғими.

Ҳозирги вақтда солиқлар воситасида давлат даромадларининг асосий қисми шакллантирилади. Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг билвосита қуроли ҳисобланади.

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилган ҳолда қўйидагиларни ифодалаш мумкин:

- а) солиқларни белгилаш ҳуқуқи факат давлатнинг қонун чиқарувчи олий органи - парламентга берилади;
- б) солиқни фуқаро эмас, мулкдор тўлайди;
- в) солиқ давлат бюджетига даромад олиш учун белгиланади;
- г) солиқ тўлаш мажбурий хусусиятга эга.

Демак, солиқлар - бюджетга тушадиган пул ва қонунда белгиланган мажбурий муносабатлардир. Солиқларнинг мажбурийлиги Олий мажлис билан тасдиқланган ҳуқуқий ва меъёрий қонунлар билан таъминланади. Шундай экан, солиқларни тўламасликка, солиқ обьектини яширишга, солиқ суммасини камайтириб кўрсатишга на ҳуқуқий ва на жисмоний шахсларнинг ҳаққи йўқ.

Солиқ тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга;
- ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга;
- рақобатбардош маҳсулот ҳиссасини кўпайтиришга;
- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга;
- хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфратузилмасини барпо қилишга;
- умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва бошқаларга хизмат қиласи.

Жамият ривожланиши тарихида ҳали бирорта давлат солиқларсиз мавжуд бўлган эмас. Бозор иқтисодиётида ҳам давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солик тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради. Имтиёзлар ёрдамида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради ва ҳоказо. Шунинг учун солиқлар орқали шаклланган маблағларнинг энг кам миқдори давлат вазифаси бажарилишига тааллуқли энг кам харажат ҳажми билан боғлиқ бўлади ва шу ҳажм билан чегараланади.

Солиқлар ривожланган товар ишлаб чиқаришнинг муҳим категорияси бўлиб, албатта янада кенгроқ категория - давлат бюджети билан чамбарчас боғланган. Чунки солиқлар бюджетнинг шаклланишида иштирок этади.<sup>6</sup>

Солиқлар молиявий ресурсларни давлат ихтиёрида тўпланиб боришини таъминлайди, бу ресурслардан иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, минтақавий вазифаларни ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб даромадларни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Давлат солиқларни давлат бюджетини шакллантириш учун амалга киритади, солиқлар бирорта аниқ харажатларни қоплаш мақсадига эга эмас, бу айрим турдаги даромадлардан тушадиган тушумлардан амалга ошириладиган харажатлар уларга боғлиқ бўлиб қолишининг олдини олиш зарурати билан асосланган. Бироқ бир қанча ҳолларда умумий солиқлар

---

<sup>6</sup> Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. –Т.: ТМИ, 2002. 36 – бет.


билинг бирга мақсадли солиқлар ҳам белгиланади, уларнинг амалга киритилиши иқтисодий фаолиятда ижобий роль ўйнаши мумкин.

У ёки бу иқтисодий категориянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унга хос умумий белгиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, кредит иқтисодий категория сифатида муддатлилик, қайтаришлиқ, муайян миқдорда устама ҳақ (фоиз) тўлаш каби умумий белгиларга эгаки, ушбу белгилар кредит категорияси моҳиятини кенгроқ ёритиш учун хизмат қиласди. Худди шу каби солиқ категорияси ҳам бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, ушбу белгилар солиқларни бошқа тўловлардан фарқлаш учун хизмат қиласди.

## **1.2. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг хусусиятлари**

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялашга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ва барқарор банк тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатда амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири тижорат банкларидан солиқ юкини босқичма-босқич пасайтиришга қаратилган. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида тижорат банкларининг молия бозоридаги капиталлашуви янада оширилиб, инвестицион фаоллиги юксалмоқда.


Тижорат банкларини солиққа тортиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Тижорат банкларининг солиқ тизимида ўзига хослик иккита бир-бирига мос бўлмаган ҳолатда намоён бўлади. Биринчидан, тижорат банклари солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида солиқлар ундирилиши ва уни назорат қилиш юзасидан воситачи ҳисобланади. Иккинчидан, тижорат банклари бир қатор солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот ишида ушбу жараёнлар қуйидаги расмда тасвирлаб берилган, (1-расм).



### **1-расм. Тижорат банкларининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари солиқларини ундиришдаги роли**

Курс ишида тижорат банкларини солиқка тортишнинг объектив зарурлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, солиқларнинг тартибга соловчи ва рағбатлантириш функциялари тижорат банклари фаолиятида намоён бўлади. Иккинчидан, солиқлар давлат томонидан тижорат банкларини тартибга солиш воситаси сифатида кўлланилади.

Солиқларнинг бошқаришга қулайлилик тамойили мамлакатда фаолият юритаётган тижорат банклари ўртасида эркин рақобат муҳитини юзага келтиради. Бу жараённи қўйидаги 2-расм орқали ифодалаш мумкин:



### **2-расм. Тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар**


Мамлакатда солиқ сиёсати мустақиллик йилларида босқичма-босқич давомийлик касб этган ҳолда амалга ошириляпти. Тадқиқот ишида республикада тижорат банкларининг солиқقا тортиш механизмидаги ислоҳотлар қуидаги тўрт босқичга ажратилган ҳолда таҳлил этилган, (3-расм).



**3-расм. Тижорат банкларини солиқقا тортишни ривожланиш босқичлари**

Фикримизча, 1991-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ташкил этиш “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ амалга оширилди ва солиқларнинг фискал функциясини қўллаш босқичи бўлди. Иккинчи босқич - 1995 йилдан бошланиб, банк тизимини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари даромад солиғи, йиғимлар ва тўловларни тўлашдан озод қилинди. 1998-2006 йиллардаги учинчи босқичда тижорат банклари Солиқ кодексига мувофиқ умумдавлат, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар белгиланган тартибда амалга оширилди. Тўртинчи босқич 2007 молия йилидан ҳозирги кунгacha бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу босқичда Солиқ кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди, тижорат

банклари учун имтиёзлар яратилиб, тижорат банкларининг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги уларнинг инвестиция жараёнларида иштирокини фаоллаштириш мақсадида солиқ юкини камайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.



#### **4-расм. Тижорат банкларини фойда солигига тортиш учун асос бўлган молиявий кўрсаткичлар**

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фойда солиғининг ставкалари босқичма-босқич пасайтирилаётганлиги солиқ юкининг камайтириш борасидаги муҳим ишлардан бири деб қараш лозим. Республикада тижорат банклари фойдасини солиқقا тортиш обьектининг белгиланиши бўйича айrim муаммолар мавжуд. Тижорат банклари фойдасидан олинадиган солиқнинг бюджетга ундирилиш жараёни солиқ амалиётида муайян камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича,

тижорат банклари тўлаётган фойда солиги базаси таркибида солиқка тортиладиган базага қайта қўшилувчи айрим харажатлар ҳам мавжуд. Фойда солигини ҳисоблаш учун тижорат банклари даромад ва харажатлари тўлов вақти ҳамда маблағларнинг келиб тушиш санасидан қатъий назар, ҳисбот даврида акс эттирилади ва қуйидагиларга бўлинади, (4-расм).

Тижорат банклари молиявий ҳолатининг барқарорлашишига ижобий таъсир қилувчи, капиталлашув даражасини таъминловчи асосий кўрсаткич бу соф фойда бўлиб ҳисобланади. Тижорат банки ихтиёрида қоладиган соф фойданинг аксарият қисми уларга нисбатан қўлланилаётган солиқларни чегириш орқали шаклланади.

Мамлакатда юридик шахслар, шу жумладан, тижорат банклари фойдасига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкаси йилдан-йилга пасайиш тенденциясига эга. Ушбу сиёsatдан кўзланган мақсад-тижорат банкларининг молиявий фаолияти ва капиталлашув жараёнини самарали ривожлантиришdir.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни умумлаштирган ҳолда, Давлат бюджети даромадида юридик шахслар томонидан тўланадиган фойда солиги ҳажмида тижорат банклари томонидан тўланган солиқлар улушкини қуйидаги маълумотлар асосида таҳлил этиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, Давлат бюджети даромадларида юридик шахслар фойда солиги ва тижорат банклари томонидан тўланган фойда солиги ҳажмлари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Шунингдек, солиқ ставкасининг камайтирилганлигига қарамай, Давлат бюджетига тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар суммасининг ортаётганлиги тенденцияси кузатилди.

**1-жадвал**

**Давлат бюджети даромадлари таркибидаги юридик шахсларнинг фойда солиғида тижорат банклари фойда солиғининг салмоғи, (фоиз ҳисобида)<sup>7</sup>**

Йиллар Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз
Юридик шахслар томонидан тўланган фойда солиғи суммаси, жами	100	100	100	100	100
шу жумладан:					
Тижорат банкларининг фойда (даромад) солиғи суммаси	7,4	5,8	5,2	3,7	7,6

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1998-2007 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисбланди.

## **II БОБ. БАНКЛАРНИНГ СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **2.1. Банкларнинг солиқлари ҳисобининг ҳисобварақларда акс эттирилиши**

Бозор муносабатлари шароитида банклар миллий иқтисодиётнинг тармоқларига молиявий ресурсларни жойлаштириш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан бирга, давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда салмоқли улушини ташкил этади.

Тижорат банклари давлат бюджети даромадларининг шакллантиришда Тижорат банклари юридик шахс сифатида давлат бюджетига қуидаги солиқлар тўлайди ва ажратмаларни амалга оширади:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи билан бирга);
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- қўшилган қиймат солиғи;
- солик солиш манбасидан тўланадиган солик;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғи;
- шунингдек, Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сугурта бадаллари, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма, Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш фондига ажратмаларни амалга оширади<sup>8</sup>.

Булардан ташқари банклар ўз ходимларининг шахсий жамғарубориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойда тўланадиган тўловларни Халқ банкининг тегишли бўлимларига ўтказиб беради.

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. –Т.: “Адолат”, 2014 й. 23-модда, 22 б.

## **Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоби.**

Банкларда фойда солиги ставкаси 15% қилиб белгиланган. Мамлакатимизда 2018 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича қўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб, фойда солиги ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг бирлаштирилди. Мазкур солик турларининг бирлаштирилиши муносабати билан юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ягона ставкалари белгиланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланди. Бунда, юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг базавий ставкаси 2017 йилда амалда бўлган 15,5 фоиз яъни фойда солиги – 7,5% ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги – 8% ўрнига 14 фоиз миқдорида белгиланди<sup>9</sup>. Ушбу соликни тўлашда банклар келгуси чоракнинг бошида чорак давомида олинадиган фойда миқдорини ойлар кесимида башорат қилиб, давлат солик инспекцияларига маълумот тақдим этилади. Башорат қилинган солик суммаси ойнинг бошида давлат бюджетининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади. Бунга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 19931 – “Муддати узайтирилган соликлар”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Чоракнинг ойлари давомида тўланган фойда солик суммаси ҳар чоракнинг охирида банкнинг тегишли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а). Агар чорак учун башорат қилинган фойда солик суммаси ҳақиқатга тўғри келса:

Дебет 56902 –“Даромад солигини баҳолаш”

Кредит –19931-“Муддати узайтирилган соликлар”

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

б). Агар чораклик учун олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси банкнинг ҳақиқатдаги фойда солиғи суммасидан кам бўлса, кам тўланган қисми банкнинг 22502 –“Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари” ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу ҳисобдан давлат бюджетига ўтказиб берилади, бундай ҳолатда қуидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кам тўланган суммага:

Дебет 56902 –“Даромад солигини баҳолаш”

Кредит 22502 –“Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари”

Кам тўланган сумма давлат бюджети ҳисобварағига ўтказилганда:

Дебет 22502 –“Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Агар олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда аниқланган фойда солиқ суммасида кўп бўлса, ушбу фарқ кейинги ойларда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш асосида тартибга солинади.

Чорак бошида башорат қилинган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда кам ёки кўп тўланганлиги чоракнинг охирида солиққа тортиладиган базага нисбатан 15% миқдорида ҳисоблаб аниқланади. Банкларда фойда солиғи солиқ базаси банкнинг ҳисобварақлар режасининг 4 бўлимидағи даромадлар ҳисобварақларидағи қолдиқлар асосида аниқланади. Солиқ базасини ҳисоблашда 4 бўлимдаги ҳисобварақлардаги даромад суммасида Солиқ кодексида белгиланган имтиёзлари мавжуд бўлган даромад турлари ва бошка чегирмалар айириб ташланади. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солигининг ҳисоби. Банкларда ушбу солиқ ставкаси 8% бўлиб, банкнинг фойда солиғи учун топилган солиқ базасидан ҳақиқатда тўланган фойда солиғи суммасини чегириб ташлагандан кейин вужудга келган сумма ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи учун солиққа тортиладиган база бўлиб ҳисобланади. Буни қуидаги тенглик кўринишида ифодалаш мумкин:

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи учун база =СБ – фойда солиғи.

Банклар ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солигини ҳам фойда солиғи каби башорат қилиб, худди шу бухгалтерия ёзувлари орқали олдиндан тўлаб бориши ва чоракнинг охирида олдиндан амалга оширилган тўловни ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган сумма билан таққослаб, кам ёки кўп тўланган миқдорини тўлаши ёки ўзаро ҳисоб-китоблар орқали тартибга солишлари мумкин.

Шу билан бирга, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи базасини чоракнинг охирида аниқлаб, қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

а). Ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган ҳисобланган суммага: Дебет 56714 –“Солик (даромад солигидан ташқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа соликлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

б). Ҳисобланган сумма тўлаб берилганда:

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа соликлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Банкларнинг ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи чорак тугагандан сўнг кейинги чоракнинг биринчи ойини 15 чисолосига тўлиқ суммада давлат бюджетининг тегишли ҳисобрақамига ўtkазиб берилиши лозим.

Мол-мулк солиғи ҳисоби. Тижорат банклари барча юридик шахслар каби мол-мулк солиғи тўлайдилар, ҳозирги пайтда ушбу солик ставкаси мол-мулкнинг умумий суммасига нисбатан 3,5 фоизни ташкил этади. Мол-мулк солиғи учун солик даври қилиб календаръ йил белгиланган.

Солик кодексининг 266-моддасига солик солиш обьекти қуйидагилар ҳисобланади :

- 1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;
- 2) номоддий активлар;
- 3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиха-смета хужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради;
- 4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Солиқ кодексининг 267-моддасига биноан солиқ солинадиган база таркибиға қуйидагилар киради:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича - асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усууллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;
- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солинадиган база (Солиқ кодексининг 268-моддаси) солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Банкларда мол-мулк солиғи учун солиқка тортиладиган базани аниқлашда  $16509+16535+16529+16541$  ва  $16549$  ҳисобваракларида мавжуд қолдиқ суммалари олинади, ( $16549$  ҳисобваракда ҳисобга олинган ижрадаги терминаллар учун солиқдан имтиёз мавжуд ва улар солиқ базасидан

чегирилади). 16601 ҳисобваракда акс эттирилган номоддий қимматликлар бўйича ҳам имтиёз мавжуд ва улар ҳам солик базасига киритилмайди.

Банклар йилнинг барча чораклари учун аванс ҳисоботини солик органларига тақдим этади. Банк томонидан ойлик тўланадиган мол-мулк солиги ҳисобланиб 22504-“Ҳисобланган бошқа соликлар” ҳисобварагида жамланиб борилади ва қуидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 56714 –“Солик (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа соликлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Ҳисобот даври тугагач, ҳақиқатда ҳисобланган бир йиллик мол-мулк солиги тўлаб берилади ва январь ойининг 25-санасигача тўланган солик суммаси бўйича ҳисбот топширилади. Мол-мулк солиги тўланганда қуидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа соликлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Мол-мулк солиги тўлангандан сўнг январь ойининг 25-санасигача тўланган солик суммаси бўйича ҳисбот топширилади.

Ер солиги ҳисоби. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан банклар ер солигини тўловчилари ҳисобланади.

Кўчмас мулк банк томонидан ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи, яъни банк ер солигини тўловчи бўлади. Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солигини тўлайди.

Ер солиги ҳар бир солик даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солигининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солик хизмати органига ҳисбот йилининг 15

февралига қадар тақдим этилади. Ер солиғини тўлаш, банклар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Банклар амалиётда ер солиғини давлат солик инспекциялари томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда зоналар бўйича 1 кв.м.га ўрнатилган солик ставка ҳақида тақдим этган тартиблар асосида тўлайдилар. Банк биноси жойлашган жой қайси зонага тааллуқли эканлиги кадастр хужжатлари асосида аниқланади. Солик база аниқ бўлгандан кейин банк бинолари жойлашган ҳудуднинг майдони ҳажми аниқланади ва белгиланган ставкалар асосида солик суммаси аниқланади. Аниқланган ер солиги суммаси белгиланган тартиб ва муддатларда давлат бюджетининг тегишли ҳисобварақларига тўлаб берилади.

Ҳисобланган ер солиги бўйича қуийдаги бухгалтерия ёзув берилади.

Дебет 56714 –“Солик (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа соликлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Ер солиги тўланганда қуийдаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа соликлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Солик солинадиган базада солик даври мобайнида ўзгариш бўлганда банклар бир ойлик муддат ичida давлат солик хизмати органига ер солигининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликларнинг ҳисоби. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик йил бошида ўтган йилда тўланган суммага нисбатан башорат қилиниб жорий йил учун йиллик аванс тўлови ҳақида маълумотнома тақдим этилади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солик банк жорий солик даврининг 25 январигача, банкда сувда фойдаланиш бўйича янгидан жорий этилганлари эса - давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солик хизмати органларига мўлжалланаётган солик солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солик ставкаларидан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган жорий солик даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Маълумотномага асосан ҳисобланган аванс суммаси олдиндан тўланади ва унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 19931 –“Муддати узайтирилган солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоби. Ушбу солик тури 20 фоиздан иборат. Тижорат банклари “Бошқа даромадлар” ҳисобваракларида акс эттирилган даромадлар ҳисобидан, хусусан “Paynet” хизмати бўйича олинган даромадлар, асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар ва қонунчиликда белгиланган бошқа даромадлардан тўлайди.

Банклар Солик кодексининг 209-моддасига биноан қатор операциялардан озод қилинади. Қўшилган қиймат солиғи тўланадиган операциялар бўйича ҳар ойнинг яқуни бўйича тўлов микдори аниқланиб қуйидаги бухгалтерия проводкаси асосида тўлов амалга оширилади. Масалан, банк асосий воситасини (юк машинаси) мижозга 120 кунга ижарага бериш ҳисобидан 500 минг сўм даромад олди. Олинган даромаддан қуйидаги тартибда ҚҚС ҳисобланади ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а). Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловини банкка ўтказди:

Дебет 20208 –“Мижознинг муддатли депозит ҳисобвараги” 500 000,0

Кредит 29802 –“Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”

б). ҚКС суммаси ( $83\ 333,33 = 500\ 000,0 / 120 \times 20$ ) ҳисобланди:

Дебет 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар” 83 333,33

Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”

в). Ҳисобланган сумма бюджет ҳисобига ўтказилди:

Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар” 83 333,33

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

г). Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловидан ҚКС суммаси ( $83\ 333,33 = 500\ 000,0 / 120 \times 20$ ) чиқариб ташлангандан сўнг, банк қолган сумма банк даромадига олинади: Дебет 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар” 416 666,67

Кредит 45901 – “Банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар”

Тижорат банклари юқорида қайд этилган солиқлардан ташқари солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга белгиланган меъёрлардаги ажратмаларни амалга оширади ва уларнинг ҳисобини юритади.

## **2.2. Банкларда солиқлар ҳисобини такомиллаштириш**

Хозирги шароитда иктисодиётда бозор муносабатлари шаклланиб ва секин-аста ривожланиб бораётган бир пайтда таксимлаш масалалари алоҳида ахамият касб этади. Чунки иктисодиёт тармоклари хар бирининг ривожланиш суръатлари ва бутун иктисодиёт узининг хам ривожланиш даражаси қуп жихатдан, бошқа шароитлар teng булган тақдирда, ана шу масалаларнинг кай даражада хал этилганлигига бевосита боғлиқдир. Бу нарса тижорат банклари фаолиятига хам бевосита тегишлидир. Шунинг учун хам биз тижорат банклари доирасида фойданинг шаклланиши ва ундан

фойдаланиш жараёнларини тадқик этаётган бир вактимизда мантикка риоя килган холда тижорат банклари ёрдамида реализация килинган миллий даромад бир кисмининг таксимланиши муаммосига дуч келамиз ва уни узимизнинг имкониятимиз даражасида хал килишимиз керак. изнинг фикримизча, умумий режада фойдани таксимлаш муаммоларини шартли равишда икки гурухга булишимиз мумкин:

Биринчи гурух - фойдани мамлакат микиёсида бирламчи таксимлаш;

Иккинчи гурух - фойдани хужалик юритувчи субъектлар микиёсида иккиламчи таксимлаш.

Бу ерда бизнинг шартли равишда икки гурухга ажратганимизнинг биринчисида давлат билан тижорат банклари уртасида вужудга келадиган масалалар булиб, улар тижорат банклари даромадлари ёки фойдасини соликка тортиш билан бодлик ва улар бирламчи таксимотни уз ичига олиши керак. Шу шартли равишда ташкил топган, иккинчи гурухга эса тижорат банкининг ихтиёрида коладиган ва акционерлар умумий йигилишининг карорига кура фойдаланадиган даромадларни ёки фойдаси иккиламчи таксимлаш билан бодлик булган масалалар уз аксини топиши лозим.

Яратилган даромад ёки фойданинг давлат ва тижорат банклари уртасида окилона (оптималь) таксимланиши тижорат банкларининг ривожланишига узининг ижобий таъсирини курсатади. Буни исботлаб беришга сира хам хожат йук. Шунинг учун хам бозор муносабатлари системасида тижорат банкларининг мувоффакиятли фаолият курсатиши улар даромадини ёки фойдасини соликка тортиш тизимининг таъсирига бевосита бодликдир.

Шу нарсани алохида таъкидлаш лозим-ки, бозор иктисадиёти шароитида тижорат банклари ихтиёрига коладиган даромад (фойда)ни таксимлаш хар бир тижорат банкига тегишли булган унинг ички масаласидир. Шу маънода биз бу масалани хозирги шароитда маълум маънода иккинчи даражали ёки иккинчи пландаги масала деб карашимиз

мумкин. Бир вактнинг узида бу масала уз ахамиятини хозирги шароитда бир оз даражада йукотган булишига карамасдан, бизнинг назаримизда, ханузгача узининг окилона ечимини топмаганлигини таъкидлаб утишимиз зарур. Узбекистон республикаси бош тизимида фаолият курсатаётган тижорат банкларининг хакиий ахволи хам шундан далолат бериб турибди.

Биз илмий ишимизда тегишли масалаларни тахлил килар эканмиз, хозирги вактда тижорат банклари билан давлат уртасидаги муносабатлар хам етарли даражада эмаслигининг гувохи буламиз. Шу боисдан хам юкоридаги муаммоларни етарли даражада тадқик килмок учун тижорат банклари даромадини бирламчи тксимлаш масалаларига уз эътиборимизни каратишимиш максадга мувофикдир. Шу уринда, бизнинг фикримизча, соликка тортишнинг умумий услубий (методологик) масалаларига, кискача булсада тухталиб утиш зарурдир.

Соликка тортишнинг умумий услубий (методологик) характердаги масалаларни куриб чикиш ва биз томонимиздан куриб чикилиши лозим булган муаммолар доирасидан чикканлиги учун биз онгли равища муаммонинг бир неча йуналишларига (аспектларига) кискача уз эътиборимизни каратамиз, улар куйидагилардан ибортдир:

- соликларнинг иктисолий табиати ёки мохияти;
- соликларнинг турли бошка туловлар ва мажбурий ажратмалардан афзалликларини англаб берувчи характерли белгилари;
- соликларнинг олиниши (ундириш) механизми.

Шу муносабат билан соликларнинг ижтимоий-иктисодий мохияти, солика тортиш тамойиллари ва услублари, уларнинг роли ва турли, одатда жамиятнинг иктисодий тузуми билан белгиланишини таъкидлаб утишимиз лозим. Шунинг учун хам иктисодиёт фанинининг классиклари жамият тараккиётининг иктисодий муаммоларини тадқик килиш жараёнида улар соликларнинг мохияти ва уларнинг иктисодий табиати масалаларига алоҳида эътибор берганлар.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан соликлар узининг хозирги замон куришига келгунга кадар жуда куп узгаришларга дучор булган. Жуда куп иктисадчи-олимларнинг тадқикоитлари натижасида соликларнинг давлатнинг уз функцияларини бажариш учун зарур булган зарурий элемент эканлигини курсатганлар ва шунинг учун хам улар узларининг асосий эътиборларини жамият ривожланишининг турли боскичларида соликка тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларига каратганлар.

Тижорат банклари даромадини (фойдасини) соликка тортиш масалалари мухокама этилаётган пайтда, бизнинг фикримизча, соликларнинг бу афзалликлари эътибордан четда колмаслиги керак. Улар тулик эътиборга олиш деган булса, шубхасиз-ки, тижорат банклари орасида хам бозор иктисадиётининг барча субъектлари сингари соликка тортишнинг ягона тартиби кулланиши керак. Аммо биз бундан барча тижорат банкларига нисбатан бир хил солик турлари ва ставкалари кулланиши керак экан-да, деган хuloscha чикиришимиз максадга мувофик эмасдир. Бунинг, бизнинг назаримизда, бир неча сабаби мавжуд булиб, биз улар тугрисида диссертацион ишимиз давомида батафсил тухталиб утамиз.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, хар бир давлатда солик тизими, жумладан соликка тортиш механизми хукуматнинг тегишли конунлари ва норматив актлари томонидан тартибга солиб турилади. Бизнинг Узбекистон республикамида бозор иктисадиётига утиши билан соликка тортиш тизими шаклланиб, ривожланиб хамда такомиллашиб бормокда. Худди шундай фикрни тижорат банклари даромади (фойда) ни соликка тортиш масалаларига нисбатан хам айтиш мумкин.

Шу билан биргаликда шу жойда мамлакатимизда иктисадий ислохотлар бошланган пайтдан бошланиб хозиргача соликка тортиш тизими анча узгарганлигини алохида таъкидлаб утмок лозим. Узбекистон Республикаси «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган соликлар

тугрисида»ги конунига мувофик, дастлаб тижорат банклари 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб, куйидаги шакл соликларни тулай бошлаган эдилар, биринчиси фойдадан олинадиган солик (45%), иккинчиси истеъмолга купайтирилган маблагларнинг устидан олинадиган солик. Бирок 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб бу соликлар бекор килинди ва уларнинг урнига даромаддан олинадиган солик амалга жорий килинди. Бир вактнинг узида мол-мулқдан олинадиган солик ва умумий фойдаланишга мулжалланган йулларни реконструкция килиш ва куришни молиялаштириш билан бодлик булган харажатларни коплаш учун соликлар кулланила бошланди.

Банкларнинг бюджетга тўловларни амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалий жиҳатдан ўрганишлар натижасига таяниб қуйидаги хulosаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

-банклар нафақат иқтисодиётнинг реал секторини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва молиявий ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш, балки тижорат муассасалари сифатида йирик солик тўловчилардан ҳисобланади;

-банклар интизомли солик тўловчилар ҳисобланади, банклар жорий ой учун тўланадиган соликларни олдиндан тўлаб беришлари натижасида давлат бюджетига тўлайдиган умумбелгилangan соликлар ва, ажратмалар ва мажбурий тўловлардан муддати ўтган қарзлари мавжуд эмас;

-банкларда бухгалтерия ҳисоби бўйича кунлик баланс тузилиши давлат бюджетига тўлайдиган соликлар ва мажбурий тўловлар ҳамда ажратмаларни тўлаш устидан самарали назорат қилиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари давлат бюджетига тўлайдиган соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича йирик ва интизомли солик тўловчилар ҳисобланади.

## **Хулоса**

Банкларнинг бюджетга тўловларни амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалий жиҳатдан ўрганишлар натижасига таяниб қуидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

-банклар нафақат иқтисодиётнинг реал секторини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва молиявий ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш, балки тижорат муассасалари сифатида йирик солиқ тўловчилардан ҳисобланади;

-банклар интизомли солиқ тўловчилар ҳисобланади, банклар жорий ой учун тўланадиган солиқларни олдиндан тўлаб беришлари натижасида давлат бюджетига тўлайдиган умумбелгиланган солиқлар ва, ажратмалар ва мажбурий тўловлардан муддати ўтган қарзлари мавжуд эмас;

-банкларда бухгалтерия ҳисоби бўйича кунлик баланс тузилиши давлат бюджетига тўлайдиган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда ажратмаларни тўлаш устидан самарали назорат қилиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари давлат бюджетига тўлайдиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича йирик ва интизомли солиқ тўловчилар ҳисобланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2016 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 апрелдаги ПФ–2564–сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56 сонли Қарори.
6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009 й. – 56 б.
8. Каримов И.А. «2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлариiga бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2013 йил 18 январ
9. Steven M. Bragg «Accounting Best Practices» John Wiley & Sons, New Jersey, USA. 2010, –542 р.
10. Zantov M. Kredit Policy. RBTC. Tashkent. 1998. –p.18.
11. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

- 12.Абдуллаев Ё., Коралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўкув қўлланма –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. 196 б.
- 13.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўкув қўлланма. –Т.:ТМИ, 2003.–305 б.
- 14.Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, –М.: Высшее образование, 2009. –422 с.
- 15.Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.
- 16.Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б.
- 17.Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.
- 18.Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2. Интерпривание финансовой отчетности. Пер. с анг. –М.: Финансы и статистика, 2002. – 240 с.
- 19.Жарковская Е.П. Банковское дело.–4–е изд., испр. и доп. – М.: Омега–Л, 2005.–452 с.
- 20.Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўкув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2010, 272б.
- 21.Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдани шакллантириш муаммолари. и.ф.н. дисс. –Т.: 1998. –б. 24.
- 22.Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг шаклланиш босқичлари // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 188-192.

- 23.Комолов О.С., Мамадалиев К. Тижорат банкларини солиққа тортиш масалалари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. -№5. – Б.7-9.
- 24.Комолов О.С. Тижорат банклари: маҳаллий солиқ ва йигимлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. - махсус сони. – Б. 106-107.
- 25.Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.
- 26.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.
- 27.Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: Молия – Иқтисод 2010г.
- 28.Навruzова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т., MOLIYA – IQTISOD 2010 й. 3.26.
- 29.Норкобилов С, Ортиков У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.
- 30.Радковская П.П. «Методологические подходы к управлению прибылью коммерческого банка». Журнал «Финансы и кредит». 1 январь 2006 (205), 22 с.
- 31.Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалари ҳисоби ва таҳлилиниң назарий-услубий масалалари” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2010 – 21 б.
- 32.Финансовый анализ в коммерческом банке / А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 256 с.
- 33.Интернет сайtlари:
- http: //[www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- http: //[www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- http: //[www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- http: //[www.stat.uz](http://www.stat.uz)